



2020 yil "24" Avgust

№ 1212

Тонловда голиб чиккан фуқаро Ибрагимов Шавкатжонга С.Азизов ММТП ҳудудидаги туман захира ер майдонидан патачилик-ғаллачилик ихтисослашувида ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 12-моддалари ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани халқ депутатлари кенгаши сессисининг 25.05.2020 йилдаги № 40/6-6-сонли қарори асос ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Фуқаро Ибрагимов Шавкатжонга «С.Азизов» ММТП ҳудудида туман захирасига қарашли бўлган № 787-786-785-782-790-791-1200-1201-1203-контурларидаги жами 32.90 га, шундан 32.20 га экин ер майдони, 0.50 га ариқ-зовурлар, 0.20 га йўллардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фойдаланиш учун фуқаро Ибрагимов Шавкатжонга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси расмийлаштириш вазифаси туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга юклатилсин.
3. фуқаро Ибрагимов Шавкатжонга қўшимча ажратиб берилган ер майдонларида ноқонуний ҳолатларни бартараф қилиш фуқаро Ибрагимов Шавкатжонга юклатилсин.
4. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
5. Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2020 йил қишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган харажатларини инобатга олсин, у билан контракция, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари қисқа муддатда амалга оширилишини таъминлансин.
6. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида қишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев